



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ВАЗИР ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИГА ЖАВОБ БЕРДИ

Ўзбекистон ХДП
фракцияси кун
тартибидagi масала бўйича
ўз позициясини билдирди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирига «Ўзбекистонда сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиш ҳолати ва унинг самарадорлигини ошириш истиқболлари, қишлоқ хўжалиги корхоналарида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш тўғрисида»ги масала юзасидан юборилган парламент сўрови бўйича ахборот эшитилди.

Парламент сўрови асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирини Шуҳрат Тешаев «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда белгиланган сувни тежовчи технологияларни ва илгор суғориш техникасини жорий этиш орқали суғориш воситалари ва ускуналарини такомиллаштиришга қаратилган нормаларнинг вазирлик томонидан бажарилиш ҳолати, Президентимизнинг «2013–2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ижроси, шунингдек, амалдаги меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар тўғрисида аҳолига ахборот берди.

Таъкидландики, ўтган йиллар давомида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, сақлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришда сув хўжалигининг гидротехника ва бошқа муҳандислик иншоотлари, сув ресурсларини автоматик бошқариш каби тизимлари кенг қўлланилди.

Маълумотларга кўра, Республика сув хўжалиги 180 минг километрлик суғориш тармоқларини, 160 мингта сув хўжалиги иншоотини, 800 йирик иншоотни, йиллик электр энергияси сарфи 8 миллиард 200 миллион кВт соат бўлган 1496 насос станциясини, 19 миллиард кубометрдан зиёдрок ҳажмга эга бўлган 55 сув омборини, 4124 суғориш тик қудуғини ўз ичига олади.

▶ Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИДА



Санжар ШОТЎЛҲАНОВ олан суратлар.

Жамият тараққиётини янги босқичга кўтариш

партия ташкилотлари, барча даражадаги депутатлар зиммасига масъулиятли
вазифаларни юклайди

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси кенг жамоатчилик, хусусан, партияимиз ташкилотлари ва гу-

руҳларида катта қизиқиш билан ўрганиб чиқишмоқда ва тегишли вазифалар белгилаб олинмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган

йиғилишида ҳам Президентимиз маърузасида билдирилган фикрлар, илгари суртилган ғоялардан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида сўз борди.

▶ Давоми 2-бетда.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Бошланғич ташкилот — партиянинг асосий таянчи

Ўзбекистон ХДП тизимида бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, уларни партия ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб этувчи воситага айлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда жойларда қатор тадбирлар ўтказилаётир.



2

САФИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

Бугун юртимиз ҳамда дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардан доимий хабардор бўлиб бориш ва уларнинг моҳиятини англашга, таҳлил этишга, ўз нуқтаи назарини билдиришга интилаётган ёшлар кўпайиб бормоқда. Жиззахлик ана шундай ёшлардан бир гуруҳи яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига қўшилди.

«Биз ҳам Ўзбекистон ХДПни танладик»

Хуршид ТОҶИБОВЕВ,

ЖИЗЗАХ ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИ МУРАББИЙИ:

— Жамиятимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни мунтазам кузатиб бораман. Мамлакатимиздаги ўзгариш ва янгиланишлар, бунёдкорликлар ҳақида ўқувчиларим, талабалар билан суҳбатлашаман. Амалга оширилаётган ислохотлар сабаб ёшларга кенг имкониятлар яратилаётгани, улардан тўғри фойдаланишимиз лозимлигини ўқираман. Ўзим ҳам ана шу жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлишга интиламан.

Шу мақсадда сиёсий партиялар фаолияти билан қизиқдим. Уларнинг ҳар бири ўзига хос йўлни танлаган. Бугун одамлар партияларга куруқ сўзлари, баландлар-воз ваъдалари учун эмас, балки амалий ишларига қараб баҳо беришяпти. Ғоя ва мақсадлари қарашларимга яқин бўлган, қолаверса, ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга интилаётган, муаллим ва мураббийларни ўзининг электорати вакиллари, деб билган Ўзбекистон ХДП сафига бўлишга қарор қилдим. Унинг ғояларини кенг тарғиб қилишга ҳисса қўшишдан, шу орқали жамиятга нафим тегишидан мамнунман.

2

САВОЛ ВА ЖАВОБ

Наргиза Бақоева,
Ўзбекистон давлат
санъат ва маданият
институтини талабаси:

— Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Мен ҳам ўзим яшайдиган ҳудуддаги сайлов округидан сайланган депутат билан учрашувларда иштирок этдим. Учрашувдан сўнг депутатнинг сайловчилар билан олиб борадиган ишлари қонунчиликда қандай белгилангани ҳақида ўйлаб қолдим. Менга шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз...



Феруза Эшматова,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
ЎЗХДП фракцияси
аъзоси:

— Депутат — халқ вакили. Унга одамлар ишонч билдирган экан, демак, у сайловчилар олдида ҳисобдордир. Сайловчилар билан бўлиб ўтадиган учрашувлар эса одамлар ва депутат ўртасида муҳим восита бўлиб, юзма-юз мулоқотларда кўп-лаб ижтимоий масалалар муҳокама этилади, депутат ўз фаолияти ҳақида ахборот беради. Шу маънода, сайловчилар билан бўлиб ўтадиган учрашув депутат учун ҳам, сайловчи учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонунда депутатнинг сайловчилар билан, сиёсий партия билан олиб борадиган ишлари баён этилган.

Унга кўра, депутат ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқа боғлаб туради. Қонунчилик палатасида уларнинг манфаатларини ифода этади.

Депутат сайловчилардан тушган муносабатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқади, уларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўради, фуқароларни қабул қилади. Шунингдек, у вақти-вақти билан, йилига камида бир марта сайловчиларга ўз фаолияти ҳақида ахборот беради.

Депутатга сайловчилар билан олиб борадиган ишлар учун Қонунчилик палатасининг Регламентида белгиланган тартибда муайян кунлар ажратилади.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун депутатга зарур шарт-шароит яратилади. Ижро этувчи ҳокимият органлари, унинг илтимосига кўра, бино ажратилишини ташкил этади ва депутатнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказиладиган, депутат томонидан фуқаролар қабул қилинадиган вақт ва жой ҳақида фуқароларга хабар беради.

Янгиликлар, Бунёдкорликлар, Хабарлар...

Давлат дастури ижроси учун

315,4 миллиард сўм
сарфланди

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида биргина Қашқадарё вилоятида ёрдамга муҳтож кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида 315,4 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бу ҳақда Қашқадарё вилоят ҳокимлиги расмий сайти хабар бермоқда.

Маъмур дастур доирасида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларининг 240 нафар телевизор ва мобил телефон апаратуралари билан таъминланди. Шунингдек, уларга Президентимиз Фармони билан 700 минг сўмдан пул мукофоти ҳам ажратилди. 387 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийлари «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медаллари билан тақдирланди.

Маданият маркази

фойдаланишга
топширилди

Янгиқўрғон туманида «Наанай» маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Бу ҳақда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги сайти хабар бермоқда.

Ушбу юмушлар учун маҳаллий бюджетдан 500 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бу масканда 250 ўринли томоша зали ҳамда маъмурият ва тўғрақ хоналари мавжуд бўлиб, 14700 нафардан зиёд қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатади.

Марказда қишлоқ ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш мақсадида қўшиқ, қашқар рубоби, дутор, ғижжак, доира тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилган.

Ижтимоий шериклик мавзусида

минтақавий семинар
ўтказилди

Жиззахда вилоят ҳокимлиги, ИИБ, адлия бошқармаси, прокуратура, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Истиклол авлоди» ННТ ҳамкорлигида одам савдосига қарши курашишда ҳокимият ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклиги масаласига бағишланган минтақавий семинар ўтказилди.

Унда Андижон, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикасидан ННТлар раҳбарлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

Тадбирда жойларда ҳудудий идораларро комиссиялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқаруви идоралари, жамоат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштириш, ўзаро ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

ҲАММА ОНАЛАР ҲАМ
БОЛАЛАРИНИНГ
БАҲТИНИ КЎРСИН



■ Янги таҳрирда қабул қилинган
«Дори воситалари ва фармацевтика
фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг
мазмун-моҳияти нимадан иборат?

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов аввало, Президентимиз маърузасида жамиятни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтариш борасида қўйилган вазифаларга тўхталди.



Жамият тараққиётини янги босқичга кўтариш

партия ташкилотлари, барча даражадаги депутатлар зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди

Шунингдек, маърузада билдирилган кўлаб фикрлар, илгари сурилган вазифалар партиямиз Сайловолди дастурининг мақсадларига бевосита боғлиқлигига эътибор қаратди. Масалан, аҳоли саломатлигини муҳофаза этишни кучайтириш, тиббий хизмат сифатини ошириш, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада мустахкамлаш, пиру бадавлат отахону онахонларимизга ҳурмат ва иззат кўрсатиш, уларни доимий равишда ёзозлаш каби масалалар партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган. Демак, маърузада билдирилган фикрлар, илгари сурилган гўялар ҳаётиимизда ўз ифодасини топишдан, энг аввало, бизнинг партия елктарати манфаат кўради, деди Хотамжон Кетмонов. — Шундай экан, — дея таъкидлади у, — Президентимиз

маърузасида қўйилган вазифаларни чуқур ўрганиб, тегишли хулосалар чиқариб, бу борада қилиниши зарур бўлган ишларни аниқ белгилаб олишимиз керак. Улар ижросини таъминлаш ишларида фаол иштирок этиш эса ҳар бир партия аъзоси ва депутатнинг шарафли бурчиға айланмоғи керак.

Кун тартибидеги масала юзасидан депутатлар, партия фаоллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Абдуғаффор Қирғизбоев, Феруза Эшматова қонун ижодкорлиги фаолиятини прогноз қилиш ва режалаштириш бўйича самарали тизимни яратиш ҳақида фикр юритишди. Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, қонунлар ижроси назоратини, қонун ва қонун ҳужжатларини қабул қилишнинг умумий принцип ҳамда механизмларини такомиллаштириш тўғрисида тақлифлар билдиришди. Айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари банд-

лигини таъминлаш ишига янада жиддий эътибор қаратиш кераклигини таъкидлашди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутаты Муҳаммад Раҳматуллаева, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Меҳроҳ Дархонов аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, жамиятда тиббий маданиятни юксалтириш билан боғлиқ масалаларда эришилаётган катта ютуқлар билан бир қаторда айрим муаммолар борлигига ҳам эътибор қаратишди.

Президентимиз маърузасида алоҳида таъкидланган яна бир муҳим масала — киз болани коллежни битирмасдан, хунар эгалламасдан туриб турмушга бериш ҳолларининг олдини олиш чора-тадбирлари юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, жойларда, айниқса, маҳалла-ларда тарғибот ишларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Йиғилиш давомида Соғлом она ва бола йилида амалга оширила-

диган ишлар бўйича бир қатор тақлифлар айтилди, бу каби йиғилишларни партияимизнинг энг қуий бўғинларига ҳам ўтказиш, барча даражадаги партия ташкилотлари ва гуруҳлари ўз тақлифларини ишлаб чиқиши зарурлиги ўқтирилди.

Йиғилишда билдирилган тақлифлар асосида Давлатимиз раҳбари маърузасининг мазмун-моҳиятини партия фаоллари ва жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича тавсиялар тайёрлаш ва уларни партия ташкилотларига етказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилишда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари раислари, халқ депутатлари Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Вазир парламент сўровига жавоб берди

Ўзбекистон ХДП фракцияси кун тартибидеги масала бўйича ўз позициясини билдирди

Президентимизнинг «2013–2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 2013–2015 йиллар давомида 2575 км узунликдаги коллектор тармоқлари реконструкция қилинган. 36 минг 957 км узунликдаги очик ва 1 минг 564 км ёпиқ горизонтал дренаж тармоқлари таъмирланди ва тикланган. «Ўзмелиомашинизинг» давлат лизинг компанияси орқали 477 донга замонавий мелiorатив техника ва механизмлар харид қилинган.

Шу билан бирга, 2013–2015 йилларда жами 890 км узунликдаги каналларда, 193 км лоток тармоқларида, 42 гидротехник иншоотда, қатор насос станциялари ва сув омборларида қурилиш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилган.

Замонавий суғориш техника ва технологияларини жорий этиш борасида ўтган йиллар давомида республика бўйича 18,5 минг гектар майдонга томчилатиб суғориш тизими, 18,4 минг гектар ерга эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш тизими, 16,3 минг гектар майдонда эгтарларга плёнка тўшаб суғориш усуллари

жорий этилиб, улардан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Депутатлар вазирликнинг мазкур соҳадаги фаолиятини амалга оширишда мавжуд имкониятлардан янада кенгрок фойдаланиш, вазирлик тизимидаги мутасадди идораларнинг масъулиятини ошириш лозимлигини алоҳида қайд этишди.

Давлат бюджетни ҳисобидан ажратилаётган маблағлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга эришиш, соҳага чет эл инвестицияларини кенгрок жалб қилиш, шунингдек, мамлакатимизда сувни тежайдиган бошқа замонавий суғориш технологияларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган амалий ишларни янада кучайтириш, мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Йиғилиш давомида сиёсий партиялар фракциялари дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, ўз позицияларини билдирди. **Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Зулайхо Акрамованинг таъкидлашича**, тақлифлар мамлакатимиз аграр секторининг деярли барча тармоқларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулот-

ларини етиштиришда сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарига замонавий техника ва технологияларни жорий этишда жиддий ижобий ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

— Фракциямиз фикрича, мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, шу асосда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ишлашини таъминлаш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш долзарб аҳамиятга эга, — дейди у.

Фракциямиз тақлифига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошиб боришининг олдини олишда замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш, суғориш технологияларини ишлаб чиқарадиган янги корхона-ларни барпо этиш, шу орқали янги иш ўринлари яратиш муҳим масаладир. Шунингдек, 2016 йилга мўлжалланган Давлат бюджетида ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича кўзда тутилган маблағлардан оқилона фойдаланиш юзасидан парламент назоратини кучайтириш лозим.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

САФИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

«Биз ҳам Ўзбекистон ХДПни танладик»

Алия ДЎСТМУРОВА,
«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ
ЗАФАРОБОД ТАРМОГИ ОПЕРАТОРИ:

— Анча йиллардан бери почта, алоқа соҳасида хизмат қиламан. Илгари бирон-бир партияга аъзо бўлиш ҳақида ўйламагандим. Яқинда коммунал тўловларга оид масалада муаммага дуч келдим. Ҳал бўлиши чўзилиб кетди. Ҳам-касбаримдан бири Ўзбекистон ХДП туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига боришимни маслаҳат берди. У ерда мени илқ кутиб олишди. Йўл-йўриқ кўрсатишди, ҳуқуқий маслаҳат беришди. Масала тез орада ечим топди.

Шу сабаб партиянинг Дастури билан яқиндан танишиб чиқдим. Унинг дастурий гоя ва мақсадлари менга маъқул бўлди. Айниқса, ЎзХДПнинг аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ёрдам кўрсатиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасида белгиланган чора-тадбирлари, амалга ошираётган ишлари эътиборимни тортди.

Ҳаётда ҳамма нарса силлиқ кечади, дейиш қийин. Одам катта-кичик муаммоларга дуч келиши табиий. Ёрдамга муҳтож одамни қўллаб-қувватлаш эса энг хайрли ишлардан ҳисобланади. Шуларни эътиборга олинган ҳолда, ЎзХДП сафига киришга қарор қилдим. Энди унинг сафида партиянинг эзгу гояларини тарғиб қилиш, дастурий мақсад-вазифаларини амалга оширишга ҳисса қўшаман.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА



Бошланғич ташкилот — партиянинг асосий таянчи

Партиямиз Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида Охангарон туманида бўлиб ўтди. «**Бошланғич партия ташкилотлари иш фаолиятининг самарадорлигини ошириш борасидаги амалий ишлар, мавжуд муаммо ва ечимлар**» мавзусида ўтказилган мазкур семинарда партия фаоллари, депутатлар, мутахассислар ҳамда бошланғич ташкилотлар етакчилари ўзаро фикр алмашишди.

Сўзга чиққанлар бошланғич ташкилотлар иш самарадорлигини ошириш, ҳудудларда электроратни ўйлантираётган муаммоларни атрофлича ўрганиш, уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда ҳудудий кенгашлар, депутатларнинг қуий бўғин билан ишлашни такомиллаштириш

масалаларига эътибор қаратилди.

— Охангарон туманида ЎзХДПнинг 4 мингга яқин аъзоси бор. Улар 62 бошланғич ташкилотга бирилашган, — дейди **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сироҳиддин Аъзамов**. — Биз уларнинг кучи ва салоҳиятидан фойдаланиш, яхши ишлаётган қуий бўғинлар таърибасини омалаштиришга ҳаракат қилаёмиз. Партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида ўтказиладиган сиёсий ўқув машғулотлари, семинар-тренинг ва давра суҳбатларини кўпроқ бошланғич ташкилотларда ташкил этилмоқда. Натижада қуий бўғин фаоллиги ошиб бормоқда.

Яқинда тумандаги бошланғич ташкилотларда келаси йили амалга оширилиши зарур бўлган ишлар режаси ишлаб чиқилди. Унда давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказиш, депутатлар ва тегишли

идоралар вакиллари ҳамкорлигида кўма Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этиш, электрорат манфаатларига доир тақлифларни юқори партия ташкилотларига изчил бериб бориш каби вазифалар белгилаб олинди.

Аввал ҳам таъкидланганидек, қуий бўғин ҳудуддаги муаммоларни ўрганиб, юқори ташкилотларга олиб чиқса, партия гуруҳларига уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар киритса, одамларнинг партияга ишончи янада кучаяди. Бошланғич ташкилот одамлар орасида иш юри-тади, уларни нима ўйлантиргани, ислохотларга муносабати қандайлигини яхши билади. Демак, улар фаолиятини намунали ташкил этиш орқалигина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Маълумки, бошланғич ташкилот фаолиятидаги устувор вазифалардан бири аъзолар, тарафдорлар, электроратнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганишдан

иборат. Партия фаолларининг таъкидлашича, тумандаги бошланғич ташкилотлар аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тақлифларни туман партия кенгаши орқали халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳига етказиш бўйича қўллаб ташаббусларни илгари суриб келяпти. Шунингдек, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўқувларни, эркин мулоқотларни кўпроқ ўтказиш, аъзоларнинг фикрларини тинглаш ҳамда муҳокама этишга кенг ўрин берил-япти.

— Бошланғич ташкилотлар фаолиятидаги устувор вазифалардан бири — аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, электрорат манфаатларига хизмат қиладиган тақлифларни ишлаб чиқиб, партия маҳаллий кенгашларига киритишдан иборат, — дейди **Охангарон туманидаги ҳудудий партия ташкилоти етакчиси Салтанат Шодарова**. — Маҳалламизда партияимизнинг 90 дан ортқ аъзоси бор. Сиёсий ўқувларда эркин мулоқот, учрашувларни кўпроқ ўтказишга кенг ўрин беряпмиз. Энг муҳими, бу тадбирлар партиямиз аъзолари ва электрорат вакилларида ислохотлар тақдирига дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Таърибадан келиб чиқиб, партиямиз электроратининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ўқувларни айнан бошланғич ташкилотларда тизимли равишда ўтказиш зарур, деб ҳисоблайман. Бу орқали фуқаролар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини чуқур англаб етиши ҳамда ҳимоя қила олиш қобилиятини ривожлантиришга ҳисса қўшган бўламиз.

Тадбир давомида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, электрорат билан ишлашда замонавий сиёсий техноло-гиялардан кенг фойдаланишга доир тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАНДИК
ДАСТУРИ —
АМАЛДА

Андижон вилоятининг Кўргонтепа туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш мақсадида Кўргонтепа тумани ҳокимлиги, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 109 корхона-ташкilot, муассаса ва фермер хўжалиги 282 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ярмаркада 260 дан ортқ фуқарога ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди. Уларнинг 30 га яқини касб-хунар коллеж битирувчиларидир.

— Мен Кўргонтепа иқтисодиёт коллежини тамомлаганман, — дейди Комилжон Одилов. — Бугунги ярмаркада тумандаги «Ташлама боғ» фермер хўжалигига ҳисобчи вазифасига йўлланма олдим. Ўз мутахассислигим бўйича доимий даромад манбаига эга бўлганимдан хурсандман.

Тадбир доирасида ташкилотлар ва мутахассислар томонидан фуқаролар билан меҳнат қонунчилиги, уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш борасида суҳбатлар ўтказилди, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.



■ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШОХОБЧАЛАРИНИ ТЎЛОВ ТЕРМИНАЛЛАРИ БИЛАН ЖИХОЗЛАШ, АҲОЛИ БИЛАН ХИСОБ-КИТОБ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ СЕССИЯДА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, ЗАРУР ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ.




■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МИНТАҚАВИЙ КЕНГАШЛАРИ ҚОШИДАГИ 207 ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИГА ШУ ЙИЛНИНГ 9 ОЙ ДАВОМИДА 6473 МУРОЖААТ ТУШГАН БЎЛИБ, БУ 2014 ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА НИСБАТАН 643 ТАҒА КЎП.

ЯНГИЛИКЛАР

■ Тошкентда Тўқимачилик технопаркини яратиш лойиҳасининг дастлабки қиймати 15 миллион долларга баҳоланмоқда. Ушбу маълумот «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти томонидан 16 декабрь кuni ташкил қилинган Корея Республикаси делегацияси иштирокидаги семинар чоғида маълум қилинди. Бу ҳақда 12news.uz хабар бермоқда.

Тўқимачилик технопаркини яратиш лойиҳаси

15 миллион долларга баҳоланмоқда



— Сарфланиши режалаштирилган 15 миллион долларлик маблағ ҳисобидан қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, технологик ускуналарни сотиб олиш ва ўрнатиш, ходимларни технопаркдан фойдаланиш бўйича ўқитиш режалаштирилмоқда, — дейди Корея тўқимачилик технологиялари институти директори Парк Ёнг Хан.

Лойиҳани амалга ошириш юзасидан ишлар бошланди. Айни пайтда Корея томонидан умумий майдони 10 минг квадрат метрга тенг юқори технологияли 3 ва 5 қаватли маъмурий бинолар, шунингдек, қуёш батареялари билан таъминланган алоҳида 2 қаватли бионинг эскиз режаси ишлаб чиқилган.

■ Термиз шаҳрида «Ёшлар маркази»да Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ортиқбек Юсупов ҳамда Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Усмонхон Алимов иштирокида «Тинчликни асрашга барчамиз масъулмиз» мавзусида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Бу ҳақда Сурхондарё вилоят ҳокимлиги расмий сайти хабар бермоқда.

Тинчлик

мавзусига бағишланди



Маъмур тадбирда шахар ва туманлардаги расмий имом-хатиблар, «Маҳалла», «Қамолот» ЁИХ, «Нуроний» жамғармаси раислари ва Маънавият тарғибот марказлари раҳбарлари қатнашди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ортиқбек Юсупов «Мамлакатимизда диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашнинг долзарб йўналишлари» мавзусида, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Усмонхон Алимов «Исломи — тинчлик дини. Тинчликни асраш ва тарғибот қилиш — долзарб вазифа» мавзусида ўз фикрларини баён қилди.

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

ВЕНЕСУЭЛА:

Мамлакат тараққиёти сиёсий партиялар фаоллигига боғлиқ

■ Хабарингиз бор, жорий йил 6 декабрь кuni Венесуэлада парламент сайлови бўлиб ўтди. Унинг натижаларига кўра, оппозицион Демократик бирлик блоқи ғолиб бўлди. Венесуэлада қонун чиқарувчи олий орган — Миллий ассамблея бир палатали бўлиб, унда 167 нафар депутат фаолият юритади.

Демократик бирлик блоқи парламентдаги 99 депутатлик ўринини эгаллашга муваффақ бўлди. Ушбу натижа сўнгги 16 йилда мамлакат сиёсий ҳаётида юз берган қутилмаган воқеадир. Чунки ушбу сиёсий куч шунча вақтдан бери ҳали бирор марта сайловларда ютиб чиқмаган эди.

Сўнгги йилларда Венесуэлада Ягона социал партия

доимий равишда парламентда кўпчилик ўринни кўлга киритиб келаётган эди. Бу йилги сайловда мазкур сиёсий партия 46 депутатлик ўрни билан кифояланди.

Бироқ ҳозир ҳам ушбу партия мамлакатдаги энг йирик сиёсий кучлардан бири ҳисобланади. Унинг 7 миллион нафарга яқин аъзоси бор.

Венесуэлада сайлов тизими ўзига хос кўринишга эга. Мамлакатда сайловлар мажоритар тизимда ўтказилса-да, айрим жихатлари билан тақрирланмасдир. Мисол учун, парламентдаги 167 нафар депутат турли тартиб орқали сайланади. Яъни 113 нафар депутат худудлардаги 87 сайлов округидан тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан, яна 51 нафар депутат яширин рўйхат асосида 23 штат ва пойтахтдаги округлардан сайланади. Қолган 3 нафар депутат эса тўб жой аҳоли билан маслаҳатлашилган ҳолда сайланади.

Шундай қилиб, Демократик бирлик блоқи сайловчиларнинг 56,22



фоиз овозини кўлга киритди. Умуман олганда, сайловларда аҳоли юқори сиёсий фаоллиқни намойиш қилди. Мазкур муҳим сиёсий тадбирда қарийб 75 фоизга яқин сайловчи иштирок этди.

Халқаро сиёсий таҳлилчиларнинг фикрича, Демократик бирлик блоқи сайловда ғолиб бўлишининг асосий сабаби мамлакатда ҳал этилиши зарур бўлган, одамларни ўйлантираётган муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларни кўтариб чиқилганилиги билан изоҳланади. Хусусан, ушбу сиёсий куч мамлакатдаги иқтисодий сиёсатни ўзгартириш,

молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф қилиш ҳамда нефть ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласини илгари сурди ва буни ҳал этишга одамларни ишонттира олди.

Венесуэлада ўтказилган сайловни халқаро мутахассис ва экспертлар ҳам қўзғатиб борди. Қўзғатувчилар сайлов жараёнида жиддий ноқонуний ҳолат қайд этилмаганини маълум қилди.

Венесуэла парламенти — Миллий ассамблеянинг янги таркиби 2016 йилнинг январидан ўз фаолиятини бошлайди. Мазкур таркиб 5 йил давомида ишлайди. Шу

вақт давомида улар олдида жуда муҳим вазифалар тургани таъкидланмоқда.

Хулоса сифатида шунини айтиш керакки, бугун барча ривожланган демократик давлатларда сиёсий партиялар мамлакат тақдир, стратегик масалаларни ҳал этишда асосий куч сифатида майдонга чиқмоқда. Демак, сайловчилар сиёсий партиялардан янада кўпроқ фаоллик ва ташаббускорлик кутмоқда. Буни Венесуэлада кечаётган сиёсий жараёнлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Нурали ОРИПОВ

МАТБУОТ АНЖУМАНЛАРИ

«Ягона дарча»

тадбиркорларга катта қулайликлар яратади

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Адлия ва Иқтисодиёт вазирликлари, БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон бизнес форуми» лойиҳаси билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатувчи «ягона дарча» марказлари фаолиятини ташкил этиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

— Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизида «ягона дарча» тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича марказлар иш бошлайди, — дейди Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Анвар Икромов. — Мазкур марказлар орқали тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тизимига улаш, бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келиши, объектни қайта иختисослаштириш ва реконструкция қилиш, қурилиш-монтаж ишлари, турар-жойларни нотураж жой тоифасига ўтказишга рухсат бериш каби 16 давлат хизмати кўрсатилади. Тадбиркорларни ўйлантираётган саволларга ушбу марказларнинг ўзидан жавоб олиш мумкин бўлади.

— «Ягона дарча» марказларига тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялашда шаффофликни таъминлаш, давлат хизматлари кўрсатилишида бюрократик тўсиқларга йўл қўймасдан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, аризачиларга давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул тушунтиришлар бериш каби вазифалар юклатилиди, — дейди Савдо-саноат палатаси ходими Ғолиб Алимов. — Тадбиркор тегишли давлат хизматидан фойдаланиш учун марказга шахсан ташриф буюриши ёки «ягона дарча»нинг кўнгирокларга жавоб бериш хизмати, яъни «Call-centre»га мурожаат қилиши ёхуд Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали хизмат туридан фойдаланиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, марказлар фаолияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг давлат хизматларидан фойдаланишини янада соддалаштириш, шу билан бирга, давлат ташкилотларининг очиқлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши кутилмоқда.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бугун барча ривожланган демократик давлатларда сиёсий партиялар мамлакат тақдир, стратегик масалаларни ҳал этишда асосий куч сифатида майдонга чиқмоқда.

Адлия вазирлигида ўтказилган навбатдаги матбуот анжуманида адлия органлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, янги лойиҳалар хусусида батафсил маълумот берилди.

Адлия вазирлиги янги лойиҳалар ҳақида ахборот берди

Таъкидлаш ўринлики, вазирлик ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан амалга оширилган бу борадаги дастлабки лойиҳа 2007 йил 1 июлдан Қонун ҳужжатлари миллий базаси — «www.lex.uz» сайтининг онлайн тизимида фаолият кўрсата бошлаганлиги бўлди.

Ҳозирги кунга қадар ушбу тизимга 36 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилган. Бир кунда тизимга 10 мингдан зиёд фойдаланувчи мурожаат қилади. Мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида яшовчи фуқаролар ҳам интернет орқали «lex.uz»га кириб, янги қонунлар, Президент фармон ва қарорлари ва бошқа ҳужжатлар билан танишишлари мумкин.

Бугунги кунга келиб, «lex.uz»нинг дастурий таъминоти анча такомиллашди, маълумотлар базасидаги ҳужжатлар сони ва сифати яхшиланди. Замонавий ҳамда оммабоп «android» тизимли мобил телефонларда ишлаш учун махсус дастурий восита ишлаб чиқилди. Янгиланиш натижасида тизим фойдаланувчилари янада ошди. Айни пайтда уларнинг сони бир ойда 150 мингдан зиёдни ташкил этаётди.

Замонавий технологиялар аҳолига юридик хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам татбиқ этилмоқда. Матбуот анжуманида бу борадаги бир қатор янги лойиҳалар ҳақида ҳам ахборот берилди. Жумладан, ФХДЭ органларида «Фуқаролик ҳолати даълолатномалари» ёзувлари ягона электрон архиви» яратилмоқда. Бу-

нинг аҳамияти шундаки, туғилганлик, никоҳ тузганлик билан боғлиқ маълумотлар ёки яқин кишиларнинг вафотига оид ҳужжатларни қидириш учун энди соатлаб вақт кетмайди. Электрон архив орқали уларни бир лаҳзада топиш мумкин. Нотариуслар томонидан кўрсатилаётган хизматларни тартибга солишга қаратилган «Нотариал ҳаракатлар хисоби» электрон дастури фуқароларнинг вақтини тежашга имкон яратади. Вазирлик веб-сайтига жойлаштирилган бу тизим орқали фуқаролар нотариал идорага боришдан олдин нотариал ҳаракатлар учун харажатларни, яъни давлат божи, ҳуқуқий хизмат ҳақи ва ҳоказоларни бевосита ўзлари ҳисоблаши мумкин.

«Justice» электрон ҳужжат айланиш тизими фаолияти йўлга қўйилиши эса иш тезкорлиги ва ямғирдорлигини ошириш, ижро интизоми-ни мустақамлаш ва назоратни тизимли йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, вазирлик тизимида тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг электрон тизими» жорий этилган. Бу тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг зудлик билан олдини олишга хизмат қилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ДУНЁДАГИ САНОҚЛИ ДАВЛАТЛАР қаторида ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙИЛЛАРИДА ИҚТИСОДИЁТ ҚАРИЙБ 6 БАРОБАР, АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИГАН РЕАЛ ДАРОМАДЛАР 9 БАРОБАРДАН ЗИЁД ЎСДИ.



■ ЖОРИЙ ЙИЛДА ҚИШЛОҚЛАРИМИЗДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА 12 МИНГТА ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ, ҚАРИЙБ 170 ТА ИНФРАТЎЗИЛМА ОБЪЕКТИ, 260 КИЛОМЕТР ЙЎЛ, 285 КИЛОМЕТР ЭЛЕКТР, 370 КИЛОМЕТР ГАЗ, 470 КИЛОМЕТР ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҚЛАРИ БАРПО ЭТИЛДИ.



КАМ УХЛАШ

кўп овқат ейишдан хавфлироқ

Инсон организмга салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири кам уйкулик экан. Бу кўп овқат истеъмол қилишдан ҳам кўра, организмга кўпроқ зарар келтираркан. АҚШнинг Седарс-Синай тиббиёт маркази мутахассислари қатор тажрибалар ўтказиб, шундай фикрга келишди.



Гап шундаки, улар итлар устида тажриба ўтказдилар. Итларнинг бир гуруҳига ярим йил давомида таркибида ёғ моддалари сероб бўлган озуқа берилди. Иккинчи гуруҳига эса озуқа меъёрида берилди, ammo уйку меъёри камайтирилди.

Натижа шунини кўрсатдики, тананинг инсулинга сезгирлик даражаси кўп озуқа берилган итларда 21 фоизга камайган бўлса, уйкуга қониқмаган итларда эса кўрсаткич 33 фоизни ташкил этди (ушбу гормонга сезгирлигини камайтириш қанди диабетнинг иккинчи гуруҳи ривожланишига олиб келади).

Тадқиқот муаллифларидан бири Жозан Бруссар ўз интервюсида алоҳида қайд этдики, дейилади «Мир новостей» хафталиги ахборотида, эндиликда уйкуслик билан диабет ривожланиши ўртасидаги боғлиқлиқни аниқлаш ва уйкусликни даволаш устида иш олиб борилади.

ЎЛИМГА ОЛИБ БОРУВЧИ

хавфли касаллик эди. Энди эса...

Тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги ривожланиш натижасида бундан 30 йил муқаддам ўлимга олиб келувчи хасталик эндиликда даволаш ва бошқариш мумкин бўлган сурункали касаллик туркумига кириб бормоқда. Бу ерда гап одамда иммунитетнинг сиғимига сабабчи вирус (ОИСВ) ҳақида кетмоқда.

Бугунги кунда ОИСВни дастлабки босқичлардаёқ аниқлаш ва узлуksиз даволаш чораларини қўллаш натижасида



ўлим юз бериш ҳолати камайиб бормоқда. Айниқса, ёш беморлар орасида бу ҳолатнинг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, Америка статистикасида қайд этилишича, дейилади «Discover» блогига тарқатилган ахборотда, ОИСВга чалинган беморлар орасида ўлим юз бериши асосан ёши улугларда кўпроқ кузатишмоқда. Яъни 1987 йилда ушбу хасталик 37 ёшдан катталарни ўлим домига торган бўлса, бугунги кунда 50 ёшдан ўтганларда шундай ҳолат юз бериш эҳтимоли борлиги кузатишмоқда.

БМТнинг ОИСВ/ОИТС (одамда иммунитетнинг сиғимига сабабчи вирус/оритрилланг иммун танқислиги синдроми)га қарши кураш дастурининг янги ҳисоботида қайд этилишича, 2013 йилда дунё бўйича ОИСВга чалинганлар сони 36,9 миллион киши атрофида бўлган. Уларнинг 70 фоизи Африка давлатларига тўғри келмоқда. 2000 йилдан кейин ОИСВга чалиниш ҳолати дунё бўйича 35 фоизга камайган. Бунга сабаб беморларга нисбатан антитетровирус терапияси мунтазам қўлланаётганидир. Жорий йилда ОИСВга чалинган 15,8 миллион бемор айнан шундай муолажани қабул қилади. Бундай муолажага жалб этиш даражаси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу йилги кўрсаткич ўтган йилдагидан 2,2 миллионга кўпдир. Шу муолажа самараси ўлароқ 2010 йилдан кейин вируснинг одамдан одамга юқиш ҳолати жуда камайган.

Унутмаслик лозимки, ОИСВга чалинган бемор шифокор назоратида бўлма-са, хасталик 9-11 йилда ўлимга олиб келиши мумкин.



ЯНГИЛИКЛАР

Худойберди
Тўхтабоев

китоблари кўргазмаси
очилди

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев китоблари кўргазмаси очилди. Бу ҳақда кутубхона расмий сайти хабар қилмоқда.

Ёзувчининг турли йилларда нашр этилган ҳикоя, қисса ва романлари, «Беш болали йигитча», «Қасоскорнинг олтин боши», «Сехрлар жанги ёки ширин қовунлар мамлакатиди», «Жаннат одамлар», «Йиллар ва йўллар», «Қуёнлар салтанати», «Қиз талашган йигитлар» ва «Қиз болага тош отманг» деб номланган асарлари кўргазмадан ўрин олган.

Кўргазмага ташриф буюрганлар ёзувчининг ижоди, унинг қаламига мансуб ҳикоя, қисса ва романлар, эртаклар ва саргузаштлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

Грузин киноси
кунлари

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Грузия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан жорий йилнинг 18-20 декабрь кунлари пойтахтимизда «Грузин киноси кунлари» бўлиб ўтади. Бу ҳақда агентлик сайтида хабар берилди.

Шу муносабат билан Киночилар уйининг анжуманлари залида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Бош директори вазифини вақтинча бажарувчи Аҳмаджон Умаров ва Грузия Республикасининг юртимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Константин Жентеги иштирокида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда икки мамлакат ўртасида маданий-гуманитар соҳаларда амалга оширилаётган ҳамкорлик изчил ривожланаётгани таъкидланиб, 18 декабрдан пойтахтимизда бошланувчи грузин киноси кунлари бу фикрга яққол далилликни айтиб ўтди.

«Грузин киноси кунлари»да иштирок этиш учун Грузиядан Баадур Суладзе (режиссёр, актёр, сценарист, бошловчи), Элгулжа Бурдули (актёр, хонанда), Зураб Кипшидзе (актёр), Дали Окропиридзе (киношунос), Георгий Накашидзе (актёр) каби таниқли киноижодкорларнинг ташрифи кутилётгани маълум қилинди.

«Кексалар
эъзозда»
концерт дастури

«Истиклол» санъат саройида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ёшлар маданияти ва санъат маркази ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бirlашмаси ҳамкорлигида «Мақом» ансамблининг «Кексалар эъзозда» деб номланган концерт дастури ўтказилди. Бу ҳақда uzbeknavo.uz сайти хабар бермоқда.

Мазкур концерт 2015 йил «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, шунингдек, кексаларнинг мароқли дам олишини ташкил этиш ва халқимизнинг олтин мероси бўлган мақом санъати аъёнларини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилди.

Концерт дастурида меҳнат фахрийлари санъатимиз наомандалари, маданият ва санъат соҳасидаги таълим муассасаларидан вакиллар иштирок этди.

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

БАРКАМОЛ ИНСОН ОРЗУСИ

Шарқда маънавий илм, ахлоқий қадриятлар халқларнинг турмуш тарзи, ҳаёт мезони ҳисобланган. Баркамол инсон тарбияси шарқда «Қалб — ақл — амал» фалсафаси асосида қурилган бўлса, ғарбда «Ақл — қалб — амал» фалсафасига риоя қилинган. Ғарбда «Дунёни гўзаллик қутқаради», дейилса, Шарқда «Дунёни эзгулик ва гўзаллик қутқаради», дейилади.

Замонавий фан-техника тараққиёти, дунёвий билим ҳозирги пайтда моддий ва маънавий оламни чуқур ўргатишни тақозо этади. Инсонда маънавий-моддий талаб-эҳтиёжларга тенг қарашлик мувозанати ҳаёт заруратидир. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, инсон маънавий ва дунёвий камолот орқали юксак ахлоқий фазилатларга эришади, руҳий олами ёвузлик устидан ғолиб келади.

Ҳозир XXI аср — энергия ва информация ёки информатсион нанотехнологиялар асри, деб аталмоқда. Табиат ва инсон энергетикаси бевосита энергоинформацион соҳа, инсон руҳияти ва маънавий олами билан узвий алоқадор бўлган соҳалардир.

Олимлар фикрича, табиат энергетик манбаларидан (қуёш, шамол ва сув энергияси) ҳамда инсон биоэнергетикасидан фойдаланиш, энергоинформация қабул қилиш ва узатиш имкониятларини тадқиқ этишни кучайтириш муҳим масалага айланиб бормоқда. Чунки айни пайтда экологик, демографик муаммолар билан, бирга, маънавий-ахлоқий муаммолар кескинлашуви кузатилаётди.

Булари замирида инсон маънавий олами билан бирга ақсарият фуқароларнинг дунёвий ва ҳуқуқий билимларини, фуқаролик бурчинини тегинлаш, табиий, аниқ, муҳандислик ва инфор-



мацион нанотехнология соҳасидаги билим савзелиги каби муаммолар мавжуд. Инновацион ва информатсион нанотехнологиянинг назарий асосини математика, физика, химия, биология каби аниқ фанлар ва уллар муштараклигида ҳосил бўлган сенергетика фани ташкил этади. Инсон саломатлиги билан боғлиқ бўлган муаммолар калити ҳам айнан ана шу сенергетик ва биоинформацион фанлар ҳамда улларнинг инсон руҳий-психологик илмлари билан уйғунлигидадир. Бунда албатта, ахлоқий қадриятлар ҳам муҳим рол ўйнайди.

Ахлоқий қадриятлар тарбияси нафақат жамиятдан, балки энг аввало, оиладан, яъни инсоннинг ўзидан бошланади. Оила жамият таянчи, инсон эса оила таянчи. Шу боис ҳозирги давр ин-

сондан энг аввало, иймон-этиқодли, билимли ва масъулиятли бўлишни талаб қилади.

Бунинг учун эса инсон қалбида маънавий эҳтиёж пайдо бўлиши керак. Маънавий эҳтиёж эса борлиқни, ўзлиқни англашдан бошланади. Бунга эришиш учун нималар талаб этилади?

Биринчидан, иймон бутунлиги

Бу борада аввало, Президентимизнинг «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» рисола-си барчамиз учун дастуриламалдир. Инсон ўзлигини англаш, Яратганга этиқод қилиб, ўз юртини севсагина, ибодати мукаммал бўлади. Мукаммал бўлиш ва иймон келтириш учун ҳам илм керак. Файласуф Фалес айтганидек: «Инсон учун энг қийин нарсаси — ўзлиқни англаш демакдир».

Ўзлиқни англаш — инсон учун чин маънавият ва масъулиятдир. Бу — борлиқни англаш, борлиқни англаш эса илм, илмий ва тарихий меросни, қадриятларни англашдан бошланади.

Иймони бутун инсон дунёвий фойлият билан бирга маънавий-руҳий покланиш амалларига риоя қилади, уни дунёвий илм билан уйғунликда ўрганиб, диний мутаассиблик ва ақидапарастлик каби жирканч иллатлар таъсирига тушмай, эзгуликка интилиб яшайди.

Иккинчидан, дунёвий билимли бўлиш зарур

Ривожланган мамлакатларда илғор фикрли фуқаро-



лар руҳий амалларни билиш билан бир қаторда дунёвий билимларни пухта эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Дунё иқтисодиёти тараққиёти асосини белгилловчи энергия, информация ва энерго-информация соҳаси билан бевосита узвий алоқадор бўлган фанларни ўрганиш, мазкур соҳаларни ўзлаштириш давлат ва жамият ривожланишининг асосий устувор йўналишларидан бири, деб қаралмоқда.

Учинчидан, масъулиятли бўлиш талаб этилади

Маълум соҳа мутахассиси бўла туриб, маънавий ва дунёвий билимларни юксак даражада эгаллаш масъулиятини ҳозирги давр одамида сафарбарлиқни талаб этади. Шу асосда қонунларга амал қилиш эса — инсоний ва фуқаролик бурни ҳисобланади. Масъулият — бу инсоннинг турли жараён ва ҳодисаларга қонун нуктаи назаридан жавобгарлик қобилиятидир. Бу эса инсонни баркамолликка йўналтиради.

Иймони бутун, билимли ва масъулиятли инсон, ҳаёт муаммоларига ақл кўзи билан назар ташлаб, муаммолар ечи-

мини тўғри топа билиш имконияти ва қобилиятига эга бўлади, барча қийинчиликларни енгиб ўтади. Бундай инсон маънавий баркамоллик даражасига кўтарилади.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан жамиятимизда юрт тинчлиги, ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида барча соҳалар, қушлар, манфаат ва ҳаракатларни мувоzanатга келтири оладиган ҳамда ягона мақсадга ҳизмат қиладиган демократик тизим яратиш вазифини қўйилган бўлиб, ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қаноти, дея таърифланади.

Ҳақиқатан ҳам, тараққиёт тақдирини маънавий етук инсонлар қўлида экан, сенергетик ва биоинформацион фанларни ўзлаштириш руҳий-психологик илмлар билан уйғунлик касб этади. Ана шундагина иқтисодий ривожланиш маънавий юксалиш ҳаракатлари билан уйғунлашади.

Қадридин ХАЛИЛОВ, СамДУ кафедра мудири, доцент.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ
ОЙЛИГИ

Кунлар совий бошлаши билан турли иситиш асбоб-ускуналарига эҳтиёж ортади. Баъзан аҳоли орасида қўлбола иситиш ускуналаридан фойдаланиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бу эса ёнгин содир бўлиш хавфини оширади.

ОГОҲ
БЎЛАЙЛИК

Биргина эҳтиборсизлик туфайли йиллар давомида машаққатли меҳнат эвазига орттирилган мол-мулк бир зумда қулга айланиши, энг ёмони — ўзимиз ва яқинларимизнинг соғлиғи, ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Бундай қўнғилсизликларнинг олдини олишда тарғибот ишларини кучайтиришнинг аҳамияти беқиёс. Шу мақсадда Тошкент вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Жумладан, вилоят ҳудудидида жойлашган корхона ва ташкилотларнинг ёнгин хавфсизлиги билан боғлиқ ҳолати тўлиқ ўрганиб чиқилди. Ўтказилган текширишлар натижасида ёнгин чикиши хавфи бўлган айрим корхоналар фаолияти вақтинчалик тўхтатилди. Аниқланган 20320 носоз электр асбоб-ускуна ва агрегатдан фойдаланишга чек қўйилди. Ёнгин хавфсизлиги қондаларини бузган 6 889 нафар маъсул шахс ва фуқарога нисбатан 517 миллион 825 минг сўм миқдорда жарима солинди.

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммо, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари ва бошқа ташкилотларга 736 ахборотнома ҳамда тақдирнома киритилди. Амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида вилоят ҳудудидида ёнгинларнинг сезиларли даражада қайтарилиши эришилди.

Аҳоли билан ўрнлашуларда ёнгин ўчириш техникалари намоиш этилмоқда. Болалар боччалари, мактаб, олий ва ўрта махсус таълим ҳамда даволаш муассасаларининг ёнгинга қарши ҳолати текширилиб, фавқулодда ҳолатларда заҳира чиқши йўллари ўрганиш бўйича машғулотлар ўтказилмоқда.

Жиддий тайёргарлик ва ёнгин ўчиришни ташкил этиш йўналишида Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ёнгин, авария ва фавқулодда ҳодисалар содир бўлганда қутқарув ишларини ташкил этиш бўйича 7 амалий ва 45 кўргазмалар машғулот ташкил этилди.

Ёнгинларнинг олдини олишда барчамиз бирдек масъулмиз. Оддий ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилсак, ўз ўйимиз, оила аъзоларимиз ва ён-атрофдагиларимизни асраган бўламиз.

Абдуғани АВАЗОВ, Тошкент вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатимиз аҳолисини яқинлашиб келаётган Янги йил билан муборакбод этади ҳамда миллий валютада янги муддатли омонат амалга киритилганлигини маълум қилади:

«ҚИШ ЗИЙНАТИ»

- Сақлаш муддати — 2 ой.
- Ҳисобланган фоизлар олдиндан бўнак сифатида ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
- Бошланғич бадал миқдори — 1 000 000 сўм.
- Қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Омонатга маблағ қабул қилиш 2015 йилнинг 15 декабридан 2016 йилнинг 15 январига қадар амалга оширилади.

Жамғармалари бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.



www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган.

AVTOSALON
«SARDOR AVTO INVEST»



ТўЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 110-уй.

Мўлжал: Телевизион минора қаршида.

Телефонлар: (+998 71) 212-08-70, (+998 95) 177-01-17, (+998 95) 194-34-51.

www.sardor-avto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

Хизматлар лицензияланган

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

Tahrir hay'ati:

Abdulla Oripov, Hotamjon Ketmonov, Ulug'bek Vafboyev, Rustam Kamilov, Ulug'bek, Mustafboyev, Muslihidin Muhiddinov, Ochilboy Ramatov, Saidahmad Rahimov, Farrux Hamroyev, Tat'yana Kistanova

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 5 6